Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2019 йил
23 февраль
ШАНБА
№ 15 (13172)

@haqiqatonline

1928 йил 11 декабрда асос солинган

# ҲАВЗАДАГИ «ХАЗИНА»ЛАР

**Янгийўл тумани ҳудудида жойлашган Балиқчилик илмий-тадқиқот институтида ёпиқ сув айланма тизимида балиқ етиштириш технологиясини жорий этиш бўйича семинар бўлиб ўтди.**

**Семинарда Президентимизнинг 2018 йил 6 ноябрдаги "Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорида белгилаб берилган вазифаларни бажариш борасида амалга оширилаётган ишлар таъкидланди.**

❑ Қарор ва ижро





*Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар*

Хусусан, балиқчиликни ривожлантириш мақсадида мазкур институт ва Тошкент шаҳрида жойлашган "Easy fish" масъулияти чекланган жамият ўртасида тузилган давлат-хусусий шерикчилик асосида ёпиқ сув айланма тизимида балиқ етиштириш технологияларини жорий этишга йўналтирилган лойиҳага иштирокчилар эътибори қаратилди. Ушбу ҳамкорликдаги лойиҳага кўра, балиқчилик тармоғига янги, харидоргирлиги юқори бўлган балиқларни етиштиришга қаратилган технология ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда.

2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИНГ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга чақириш тартибини янада такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига муддатли ҳарбий хизматга чақирилиш даврида чақирув ёшидаги фуқароларга қулай шароитлар яратиш мақсадида:

1. Белгилансинки:

2019 йилдан бошлаб чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари март-апрель ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилади;

муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, жорий йил чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинади.

2. 2018 йилда муддатли ҳарбий хизматга чақирилган, ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчилари 2019 йилнинг март-апрель ойларида резервга бўшатилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В. В. Маҳмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 22 февраль

# 56 МУРОЖААТ ҚАНОАТЛАНТИРИЛДИ

*Юқори Чирчиқ туманида Адлия бошқармаси бошлиғи, бошқарманинг масъул ходимлари, туман ташкилотлари ходимлари иштирокида сайёр қабул бўлиб ўтди.*

❑ Сайёр қабул

Адлия вазирлиги ахборот хизмати маълум қилишича, сайёр қабулда жами юзга яқин фуқаро иштирок этиб, улардан 56 нафарининг мурожаати қабул қилинди. Ушбу мурожаатларнинг асосий қисми, яъни 25 таси ижтимоий ҳимоя, 8 таси фуқаролик, паспорт ва рўйхатга олиш (прописка), 8 таси уй-жой олиш ва кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш, 4 таси ногиронлик нафақасини расмийлаштириш, 4 таси йўл таъмирлаш, электр симлари, ичимлик суви ва табиий газ қувурларини янгилаш, 3 таси соғлиқни сақлаш, 1 тадан алимент ундириш ва банк кредит масаласи ва бошқалар билан боғлиқдир.

Давоми 2-бетда

# СОТИЛГАН МОЛЛАР... ҚАЙТАРИБ ОЛИНАДИ

*Харидор сифатида турли дўконларга ташриф буюрганимизда бир эълонга кўзимиз тушади, "Сотилган моллар қайтариб олинмайди". Аслида бу тўғрими? Қайси асосларга кўра, бундай "ҳукм" чиқарилади? Қандай ҳолларда харид қилинган маҳсулотни қайтариб бериш мумкин ёки аксинча?*

❑ Истеъмолчи бурчаги



Харид билан боғлиқ истеъмолчи ва сотувчининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари хусусида муштарийларимизни қизиқтираётган кўплаб саволларга Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси мутахассиси Шерали Сатторов жавоб берди:

– Истеъмолчилар ҳуқуқи ҳимояси, авваламбор, Конституциямизда белгилаб қўйилган. Конституциянинг 13-моддасида инсон ҳаёти ва ҳуқуқи олий қадрият сифатида эътироф этилишининг замирида катта маъно бор. 44-моддага мувофиқ, ҳар бир шахс ҳуқуқи бузилганида ёхуд ғайриқонуний ҳаракатлар устидан шикоят қилишга ҳақли. 53-моддада эса, иқтисодий масалаларга истеъмолчи манфаатидан келиб чиқиб урғу берилган.

Бундан ташқари, мустақиллик йилларида истеъмолчи ҳуқуқлари ифодаланган "Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаш тўғрисида", "Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида", "Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида", "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида" каби кўплаб қонунлар қабул қилинди.

Давоми 3-бетда

❑ | **Интилиш**

*Тошкент тумани, "Соҳибкор" маҳалласидаги "Muracle dream" масъулияти чекланган жамиятида, асосан, турли ҳажмдаги матраслар тайёрланади. Корхона раҳбари Музаффар Муҳаммаджоновнинг ишбилармонлиги ва интилувчанлиги сабабли кичкина цеҳдан бошланган иш бугун каттагина фаолиятга айланди. Корхона сифатли маҳсулотлари билан мамлакатимизнинг турли ҳудудларида харидорларини топган.*

# БОЗОРНИНГ БУГУНГИ ТАЛАБИ

– Фаолиятимизни 2013 йилда бошлаганмиз, – дейди М. Муҳаммаджонов. – Сифатли ва чидамли маҳсулот яратиш бугунги бозорнинг муҳим талабидир. Шу сабабли, бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратганмиз. Корхонамиздаги дастгоҳларнинг аксарияти замонавий, хориждан келтирилган. Бу ишимиз унумдорлигини ошираяпти.



Корхонада 10 нафардан ортиқ ишчи меҳнат қилади. Уларнинг барчаси шу маҳаллалик. Ишчилар учун барча қулайликлар яратиб берилган.

– Бу ерда 3 йилдан бери ишлайман, – дейди Гўзал Назарова. – Ишхонамиз уйимга яқин, ойликларимиз ҳам яхши. Қисқа вақтда ўзимни ўнглаб олдим. Яна рўзғорга ҳам қараşаяпман.



Корхонада ойига 300-400 дона матрас тикилаяпти. Раҳбарнинг айтишича, яқинда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб, янги иш ўринларини яратиш ва экспортни йўлга қўйиш режалаштирилган.

**Зуҳриддин РАҲМОНОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**

*Мансур ҲИММАТОВ олган суратлар*

# ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

*"Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори эълон қилинди.*

Қарорга кўра, бундай мактаблар Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда жорий этилади.

**Президент мактабига:**

* *5-синфдан қабул қилинади;*
* *Кириш имтиҳонлари: тест, ёзма ва суҳбат асосида;*
* *Йилига 24 нафар ўқувчи (биринчи йилга 144 нафар 5-10 синфларга) қабул қилинади;*
* *Таълим инглиз тилида олиб борилади;*
* *"STEAM – таълим" дастури жорий этилади.*

**Энг муҳими, битирувчиларга шаҳодатнома ёки аттестатдан ташқари, хорижий олий таълим муассасаларига кириш имконини берувчи диплом (International Baccalaureate, Advanced Placement ёки International Advanced Levels) берилади.**

@haqiqatonline

# МАКТАБЛАР РЕЙТИНГИНИ АНИҚЛАШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

**Бугунги кунда энг ривожланган мамлакатларнинг босиб ўтган йўлини таҳлил қилар эканмиз, ўз вақтида таълимга қаратилган эътибор туфайли шу даражага эришилганига амин бўламиз.**

2



❑ **Туризм**

**Президентимиз 2017 йил 21 июль куни Тошкент вилоятига ташрифи чоғида ҳудудда туризмни ривожлантиришга доир тақдимотлар билан танишган эди.**

# ОИЛАВИЙ МЕҲМОН УЙЛАРИ – САЙЁҲЛИКНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ

Давлатимиз раҳбарига Тошкент вилоятининг сўлим гўшаларида тажриба сифатида меҳмон уйлари ташкил этиш бўйича таклифлар тақдим қилинганди. Ушбу таклифдан келиб чиқиб, ўтган қисқа вақтда меҳмон уйлари ташкил этишнинг ташкилий ва ҳуқуқий асослари яратилди. Жумладан, 2018 йил 7 августда Вазирлар Маҳкамасининг "Оилавий меҳмон уйлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга мувофиқ, айни пайтга қадар Тошкент вилоятида 50 га яқин оилавий меҳмон уйлари фаолияти йўлга қўйилди. Жорий йилда бундай уйлар сонини 300 тага етказиш режалаштирилаётир, дея хабар беради ЎзА.

Вилоятимизда 2018 йилда 3 миллион 500 мингдан зиёд сайёҳ, жумладан, 550 минг нафардан ортиқ чет эллик сайёҳлар ташриф буюрган. Бу ўтган йилларга нисбатан бир неча баробар кўп. Эътиборли жиҳати, оилавий меҳмон уйлари, айниқса, хорижлик сайёҳларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу, ўз навбатида, туризмнинг мазкур йўналишини жадал ривожлантиришни тақозо этаётир.

Давоми 2-бетда



# МАКТАБЛАР РЕЙТИНГИНИ АНИҚЛАШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

Сўнгги икки йилда юртимизда таълим тизимида узлуксиз туб ислоҳотлар олиб борилмоқда. Буни Мактабгача таълим вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясининг ташкил этилиши, "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрирда ишлаб чиқилиши, ўн бир йиллик мажбурий таълимнинг жорий этилиши, таълим сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларига қўшилишимиз, таълим сифатини янги босқичга олиб чиқиш бўйича кенг кўламли ҳаракатлар бошлангани мисолида ҳам айтсак бўлади.

Масалан, биргина ўтган йил давомида Халқ таълимини ислоҳ этишга қаратилган бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилиниб, вазирлик олдига ўқитувчи мақомини юксалтириш, таълим муассасаларини замонавий кадрлар билан таъминлаш, соҳага АКТ ҳамда халқаро тажрибани жорий этиш ва давлат-хусусий шерикчиликни ривожлантириш каби вазифалар қўйилди.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясига ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар талабларига мувофиқ, таълим сифатини юксак даражага кўтариш, шунингдек, таълим сифати ва ўқув жараёнлари самарадорлигини холисона баҳоланишини назорат қилиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш вазифаси юклатилган.

Давлат инспекциясининг асосий вазифаларидан бири ўқувчилар, талабалар ва тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари давлат таълим стандартлари ва талабларига мувофиқлигини таҳлил қилиш ҳамда таълим муассасалари рейтингини аниқлашдан иборат.

Мазкур вазифани ҳар томонлама самарали бажариш мақсадида жорий йилнинг 1 январидан бошлаб,



тажриба-синов тариқасида, туманлар ва шаҳарлар кесимида танлаш асосида умумий ўрта таълим муассасалари фаолияти самарадорлиги бўйича рейтингни аниқлаш йўлга қўйилди.

Бундан мақсад – ўқувчиларнинг умумтаълим фанлари бўйича тайёргарлик даражасини ва мантиқий фикрлаш қобилиятини баҳолаш, педагоглар фаолияти даражаси ва сифатини оширишни рағбатлантириш, ўқитиш сифати бўйича халқаро мезон, стандартларга мос юқори кўрсаткичларга эришиш орқали билимли ва иқтидорли ёшларни тайёрлашга замин яратишдан иборат.

Рейтингни аниқлаш орқали ўқувчиларнинг билим даражаси, педагоглар маҳорати, таълим муассасасининг ўқув-тарбия жараёни ва имкониятлари ҳақида кенг жамоатчиликка холис ахборотлар етказиб борилади. Шунингдек, бу услуб мактаблар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлашга хизмат қилади.

Миллий рейтинг тизимида юқори кўрсаткичларни қайд этган умумтаълим муассасалари учун улар фаолиятини назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган текширишлар даврийлиги рейтингдаги ўрнига қараб белгилаб борилади. Тўпланган маълумотлар, ўтказилган сўровномалар ва назорат ишлари натижалари асосида Давлат инспекцияси томонидан туманлар ва шаҳарлар кесимида умумтаълим муассасаларининг рейтинги аниқланади.

**Энг муҳими, айнан рейтингни аниқлаш республика бўйича ўқувчилар билимини баҳолашни OECD, EIA нуфузли халқаро ташкилотларининг PISA, TIMSS, PIRLS каби дастурлари даражасига олиб чиқишда таълим муассасаларига яқиндан кўмак беради.**

Рейтингда иштирок этиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги барча туман (шаҳар)лардан ўртача 10 фоиз мактаблар танлаб олинди. Рейтинг натижалари оммавий ахборот воситалари ва Давлат инспекциясининг веб-сайтида кейинги ўқув йили бошланишидан кечиктирмай жойлаштирилади.

Миллий баҳолаш тизимини амалиётга жорий этишдан асосий мақсад умумтаълим муассасалари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган. Уларнинг фаолияти қанчалик самарали бўлаётгани 4 та кўрсаткич асосида 100 баллик тизимда баҳоланади.

1. Битирувчиларнинг фанлар бўйича тайёргарлиги ва таълим сифати даражасига эътибор қаратилади. Бунда битирувчилар таълим тайёргарлиги бўйича 20 баллгача, таълим сифати даражаси бўйича эса 15 баллгача – жами 35 балл тўплашлари мумкин.

2. 9-синф ўқувчиларининг билим даражаси кўрсаткичи назорат ишларини олиш орқали – жами 25 баллгача баҳоланади.

3. Умумтаълим муассасасининг олий ва биринчи тоифали педагог ходимлари улуши эса барча олий ва биринчи малака тоифали педагог ходимлар сонини аниқлаш асосида белгиланади: жами 20 балл олиш мумкин.

4. Педагог ва раҳбар ходимлар фаолияти самарадорлиги, ўқувчилар ўртасида ўтказиладиган ижтимоий сўровнома асосида 10 баллгача баҳоланади. Шунингдек, педагог ходимлар учун яратилган шароитлар ва ўқитиш муҳити ҳам жамоа орасида ўтказиладиган ижтимоий сўровнома асосида 10 баллгача баҳоланади. Умумий 20 балл қўйилиши мумкин.

Бундан ташқари, рейтингни аниқлашга оид маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда назорат ишлари ва ижтимоий сўровномалар ўтказиш бўйича Давлат инспекцияси ва Халқ таълими вазирлиги ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга ошириладиган вазифалар аниқ белгилаб қўйилди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ўтган даврларда таълим муассасаларининг рейтинг ўрни мактаб томонидан эришилган ижобий натижалар ва, асосан, кўрик-танловлардаги ютуқларга қаратилар эди. Ҳозирги мезонга кўра, мактабнинг реал ҳолати ўрганилиб, шаффофлик асосида баҳолашга эътибор қаратилади.

**Тоживой ВАКИЛОВ,**
**вилоят таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси бошлиғи**

# САЙЛОВ ВА ЁШЛАР

*Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ташаббуси билан Чирчиқ шаҳридаги "Ёшлар маркази"да "Депутат ва ёшлар" учрашуви бўлиб ўтди.*

❑ Учрашув

Учрашувдан мақсад – бу йил бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига навбатдаги сайловларда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида фаол иштирокини таъминлашга қаратилди.

Учрашувда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган эътибор, ҳозирги кунда уларнинг сайловлардаги ўрни ҳамда парламент ва депутатлик мақоми тўғрисида маълумот бериб ўтишди.

Тадбир якунида депутатлар ва ёшлар ўртасида баҳс, мунозара, савол-жавоблар бўлди. Мазкур тадбирга 100 нафардан ортиқ ёшлар қамраб олинди.

**Х. БЕКМУРОДОВ,**
**ижтимоий-ҳуқуқий масалалар ва жиноятчиликлар профилактикаси бўлими мудири**

# ОИЛАВИЙ МЕҲМОН УЙЛАРИ – САЙЁҲЛИКНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ

Бу борада вилоятда, хусусан, Бўстонлиқ туманида улкан салоҳият мавжуд. Маълумотларга кўра, туманда 3 минг 500 дан ортиқ дала-ҳовли мавжуд бўлиб, улар фаолиятини тартибга солиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Бу ҳақда Бўстонлиқ туманида оилавий меҳмон уйлари туризми билан шуғулланувчи тадбиркорларга сертификат топширишга бағишлаб ўтказилган тадбирда маълум қилинди.

"Оқ лайлак" оилавий меҳмон уйида ташкил этилган мулоқотда вилоят ҳокимлиги, вилоят туризмни ривожлантириш департаменти, тадбиркорлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш, жумладан, ҳудудларда ишга солинмаган қулай ва табиий имкониятлардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар юксак самара бераётгани таъкидланди.

Тадбирда оилавий меҳмон уйлари йўналишида фаолият юритувчи 20 дан ортиқ тадбиркорга сертификат топширилди.

– Оилавий меҳмон уйлари сайёҳлар, айниқса, чет эллик туристлар эътиборини кўпроқ тортиши, нисбатан камхаржлиги билан ажралиб туради, – дейди вилоят туризмни ривожлантириш департаменти бўлим бошлиғи М. Баракаев. – Асосийси, туризмнинг мазкур йўналиши муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, миллий анъана ва қадриятларимизни кенг тарғиб қилиш, қишлоқ жойларда тадбиркорлик маданиятини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилади.

Айни пайтда вилоятда соҳани ривожлантириш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, туризм инфратузилмасини кенгайтириш, сайёҳларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун муносиб шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Оилавий меҳмон уйлари ва меҳмонларга кўрсатилаётган хизматлар кўлами кенгайтирилиб, ҳудудлардаги зиёратгоҳ ва муқаддас қадамжолар, сўлим табиат гўшаларига сайрлар уюштирилмоқда.

Бошланиши 1-бетда



# МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

## Ўзбекистонда илк бор...



"Hashar week" лойиҳаси амалга оширилади. Маълумотларга кўра, Тошкент шаҳрида кунига 2 минг, йилига 700 минг тонна, республика бўйича йилига 7-8 миллион тонна маиший чиқинди ҳосил бўлар экан. Уларнинг бор-йўғи 4-5 фоизигина қайта ишланмоқда. Дунёнинг йирик шаҳарларида эса бу кўрсаткич 15-20 фоизни ташкил этади.

## Марказ ташкил этилди



Мусиқа педагогларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази ташкил этилди. Низомга мувофиқ, мусиқа соҳаси педагог ва мутахассислари касбий маҳорати даражасининг лавозим малака тавсифларига мувофиқлигини таъминлаш марказнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

## Оролда нима гап?



Орол денгизининг 363 минг гектар қуриган майдонига саксовул экилди. Ҳудудда ўрмонзорлар барпо этиш орқали юз бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар қизғин давом этмоқда.

## Марказий банк: 100, 200, 500 сўмлик банкноталар муомаладан чиқарилади



Хабарингиз бор, 25 февралдан республикамизда 100 минг сўмлик янги купюра муомалага киритилиши режалаштирилган. Йирик купюралар инфляцияни ошишига хизмат қилади, деган хавотирлар ўринсиз, чунки, муомаладаги умумий пул массаси ўзгармайди. Пул массасининг тузилиши ўзгаради, холос. 100, 200 ва 500 сўмлик майда пуллар аста-секин муомаладан чиқарилади ва танга билан алмаштирилади.

## Софиядан 5 та медаль билан



Болгария пойтахти София шаҳрида ўтказилган бокс бўйича "Странжа" халқаро турнирида ҳамюртларимиз муваффақиятли қатнашиб, беш нафар спортчимиз шоҳсупага кўтарилди.

# 56 МУРОЖААТ ҚАНОАТЛАНТИРИЛДИ

Мурожаатларнинг 20 таси, яъни 35 фоизи қаноатлантирилиб, жойида ҳал этилди. Хусусан, Юқори Чирчиқ тумани "Дархон" маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро Алия Абдукаримованинг ўғлига ногиронлик аравачаси олишида амалий ёрдам кўрсатилди. Шу каби ижтимоий ҳимояга муҳтож ногиронлиги бўлган ва кам таъминланган 20 нафар фуқарога 5 та ногиронлик аравачаси, 5 та тикув машинаси, 5 та чангютгич, 5 та нон пиширгич каби жами йигирма бир миллион сўмлик зарур жиҳозлар вилоят "Ижтимоий ҳимоя" жамғармаси ҳисобидан топширилди.

Шунингдек, туманда ўтказилган халқ билан мулоқотда фуқароларнинг 36 та мурожаати қўшимча ўрганишни талаб этилгани боис туман адлия бўлимидан рўйхатдан ўтказилиб, уларнинг ижроси вилоят адлия бошқармаси томонидан алоҳида назоратга олинди.

**ЎзА**

Бошланиши 1-бетда



# ҲАВЗАДАГИ «ХАЗИНА»ЛАР

Бунда республикада биринчи маротаба тўлиқ тизимдаги ёпиқ сув айланма таъминоти қурилмалари маҳаллий хом ашёдан фойдаланилган ҳолда ишлаб чиқилди. Унда осётр, лаққа ва маҳаллий карп балиқларининг наслли зотини етиштириш ва кўпайтириш технологияси ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Бошланиши 1-бетда

– Бу янгилик мамлакатимиздаги фермерлар ва балиқчилик хўжаликлари раҳбарларини қизиқтириб қўйди, – дейди институт директори Абдулла Қурбонов. – Мазкур қурилмани оммалаштириш тадбиркорларга қулай муҳит яратади ва ёпиқ сув айланма қурилмаларини чет элдан валюта маблағлари ҳисобига олиб келинишига барҳам берилади. Биз янги технология бўйича фарель ва ласос балиқларини ҳам кўпайтириб, "Ўзбалиқ" бренди билан сотишни йўлга қўймоқчимиз.

Эндиликда лойиҳа натижаларига кўра, вилоятларда янгидан ташкил этилиши режалаштирилган ёпиқ сув айланма тизимида балиқ етиштириш ишлари илмий асосланган ҳолда ва аниқ бизнес режалар бўйича амалга оширилади.

**К. САЛОМОВА**

❑ Жараён

# СИФАТЛИ АГРОТЕХНИКА – МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

*Шу кунларда вилоятимизнинг барча туманларида жорий йил ҳосили учун экилган буғдой майсалари парваришига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, маҳаллий ўғит жамғариш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилаяпти. Хусусан, Қуйи Чирчиқ туманида 374 та фермер хўжаликлари томонидан 13 минг 900 гектар сувли майдонга буғдой экилган. Мавжуд ғалла майдонларининг ҳар гектарига камида 3 тоннадан жами 41 минг 700 тонна маҳаллий ўғит жамғариш режалаштирилган бўлиб, бу ишлар якунланиш арафасида.*



Шуни таъкидлаш керакки, маҳаллий ўғитлар солинганда тупроқнинг агрокимёвий ва агрофизик хусусиятлари яхшиланиб, сингдирувчанлиги ортади ва намлик яхши сақланади. Сабаби, улар таркибида ўсимлик учун зарур бўлган шакл ва нисбатларда барча озиқа унсурлари мавжуд.

Маълумки, туманда сизот сувларининг яқинлиги тупроқ унумдорлигига салбий таъсир кўрсатади. Ушбу ҳолатда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишда органик ўғитлардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Лекин, ҳудуддаги қишлоқ хўжалиги корхоналари, деҳқон ва фермер хўжаликлари маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланиш механизмини тўғри йўлга қўйишмаган. Хусусан, аксарият фермер хўжаликлари ҳудуди ва аҳоли яшаш жойларида қаровсиз, маиший чиқиндиларга аралашиб сочилиб ётган маҳаллий ўғитлар кўзга ташланаяпти. Натижада, атроф-муҳит ифлосланиб, чиқиндилар ҳар хил юқумли касаллик манбаига айланмоқда.

Туманнинг барча тоифадаги хўжаликларида жами 9 млн. 531 мингдан ортиқ шартли чорва туёғи мавжуд. Улардан йил давомида 63 минг 540 тонна маҳаллий ўғит олиш мумкин. Агар олинган ўғитлар тўғри сақланиб, белгиланган меъёр асосида далага солинса, экинлар ҳосилдорлиги ортиши билан бирга, тупроқнинг унумдорлиги ва мелиоратив ҳолати анча яхшиланарди.

Маҳаллий ўғит таркибида энг муҳим элементлар ҳисобланган азот, фосфор, калий моддаларининг қолиши кўп жиҳатдан уни сақлаш усулига боғлиқдир.

Баъзи ҳудудларда маҳаллий ўғитларни сақлашда айрим камчиликларга йўл қўйилмоқда. Шулардан бири органик модданинг яхши чиримаслиги оқибатида ундаги углероднинг етарлича парчаланмаслигидир. Яхши чиримаган маҳаллий ўғитнинг ўсимлик учун фойдаси кам. Ўғитни ҳандақларда (чуқурликда) зич ҳолда сақлаш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, деҳқон-фермер хўжаликларида чорва молларини озиқлантиришдан тўкилган ҳамда ҳосил йиғиштириб олинганидан сўнг чиқиндилар тўпланиб қолади. Кўп ҳолларда эътиборсизлик сабаб улар ёқиб юборилаяпти. Ундан чиққан тутун экология ва инсонлар соғлигига жиддий зарар келтирмоқда. Ваҳоланки, бундай чиқиндиларни компостлаш йўли билан сунъий органик ўғитлар тайёрлаш мумкин. Улар кимёвий таркиби жиҳатидан маҳаллий ўғитга яқин туради.

Куз-қиш фаслларида тайёрланган бундай органик ўғитлар баҳорда далаларга чиқарилса, экинлар ҳосилдорлиги янада мўл бўлади.

**Афзал РАШИДОВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги инспекциянинг вилоят бошқармаси ташкилий назорат ва таҳлил бўлими инспектори**

# СОТИЛГАН МОЛЛАР... ҚАЙТАРИБ ОЛИНАДИ

БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида қабул қилинган "Истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилишнинг раҳбарий тамойиллари" Резолюцияси ҳам юртимизда ратификация қилинган. Ушбу соҳадаги қонуний меъёрлар "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида тўлиқ аксини топган.

– **Хариддан сўнг маҳсулотнинг нуқсони аниқланса, қандай йўл тутиш лозим?**

– Товарни айни шундай маркали товарга алмаштириб бериш, харид нархини тегишинча қайта ҳисоб-китоб қилиш, товарнинг нуқсонларини бепул бартараф этиш, шартномани бекор қилиб, кўрилган зарарни қоплашни талаб қилишингиз керак. Бунинг учун сиздан касса ёки товар чекини, кафолат муддати белгиланган товарлар бўйича эса, тегишлича расмийлаштирилган техник паспорт ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатни кўрсатиш талаб этилади.

– **Қанча муддат ичида нуқсонли маҳсулотни бошқасига алмаштириб олиш мумкин?**

– 7 кун ичида. Агар қўшимча равишда текшириш зарур бўлса, истеъмолчи талаб қўйган пайтдан эътиборан йигирма кун ичида алмаштириб бериш шарт. Айни шундай товар бўлмаган тақдирда, истеъмолчининг алмаштириб бериш хусусидаги талаби даъво қилинган пайтдан эътиборан бир ой ичида қондирилиши керак. Агар товарни етказиб бериш узоқ масофа билан боғлиқ бўлса, истеъмолчи талаби икки ойдан кечиктирмай қондирилиши лозим. Алмаштириш учун зарур товар топилмаган тақдирда тўланган маблағ қайтариб берилади.

– **Харидор сотиб олган нуқсонли маҳсулотини қайтариб бераётганда, худди шундай нуқсонсиз товарни эмас, бошқа маркадаги товарни олишни хоҳласа-чи?**

– Хоҳиш амалга оширилади. Бунда харид нархи қайта ҳисоб-китоб қилинади.

– **Сотиб олинган маҳсулотдан маълум бир вақт ўтиб, камчилик топилганда, қайтариб бериш учун олиб борилса, лекин бу пайтда маҳсулотнинг нархи ошган бўлса, қўшимча тўлов тўланадими?**

– Йўқ, агар айнан ўша товар алмаштириб берилаётган бўлса, қайта ҳисоб-китоб қилинмайди. Лекин, унинг ўрнига бошқа товар берилаётган пайтда алмаштирилиши керак бўлган товар нархи унинг ўрнига берилаётган товар нархидан юқори бўлса, истеъмолчига нархлардаги фарқ қайтарилади. Аксинча бўлса, истеъмолчи қўшимча ҳақ тўлайди.

– **Маҳсулот учун кафолат муддати қандай белгиланади?**

– Кафолат муддати товар истеъмолчига сотилган ёки хизмат кўрсатилган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар товар сотилган кунни аниқлашнинг имкони бўлмаса, бу муддат товар ишлаб чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади. Кафолат муддати товар (хизмат)нинг паспортида ёки товарни сотиш ёхуд хизмат кўрсатиш пайтида товар билан биргаликда истеъмолчига бериладиган бошқа ҳужжатда кўрсатилади.



– **Маҳсулотдаги камчилик кафолат муддати ўтгандан сўнг аниқланса қандай йўл тутилади?**

– Бунда кафолат муддати истеъмолчининг товардан фойдалана олмаган даврга тенг муддатга узайтирилади. Мазкур муддат истеъмолчи нуқсонларни бартараф этиш талаби билан мурожаат этган кундан эътиборан ҳисобланади.

– **Нега баъзи дўконларда назорат тарозилари мавжуд эмас?**

– Уч ва ундан кўп иш ўринли озиқ-овқат дўконларининг савдо залларида назорат тарозилари ўрнатилиши керак. Майдони 1 минг 500 кв.м ва ундан ортиқ бўлган савдо залларида назорат тарозилари икки жойда ўрнатилади.

– **Айрим сотувчилар маҳсулот ўраб бериладиган целлофан пакет учун қўшимча ҳақ олади, бу тўғрими?**

– Агар харид қилинган маҳсулот озиқ-овқат товарлари бўлса, харидордан пакет учун қўшимча ҳақ ундирилмайди. Ўраш учун давлат стандартининг мажбурий талабларида рухсат этилган материаллардан фойдаланиш керак.

– **Тилла буюм сотиб олингандан сўнг нуқсони аниқланса, бу қандай исботланади?**

– Сотувчи буюмни харидордан қабул қилиб олади ва уни мустақил экспертиза ўтказиш учун Давлат пробани аниқлаш палатасига юборади. Харидор экспертиза ўтказиш жараёнида қатнашишга ҳақли.

– **Енгил автомобиль сотиб олинганида, харидорга қўшимча нималар топширилиши керак?**

– Сервис дафтарчаси, фойдаланиш бўйича амалий қўлланма, пул банк муассасаси орқали олинганлигини тасдиқловчи товар (касса) чеки ёки бошқа ҳужжат, автомототранспорт воситаси комплексига кирувчи анжомлар тўплами, агар бундай тўплам ишлаб чиқарувчи томонидан назарда тутилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатдан ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилувчи маълумотнома-счёт.

### БУЛАР ОРАСИДА ФАРҚ БОР!

Кафолат муддати – бу муддат ичида ишлаб чиқарувчи (ижрочи), товарни ишлатиш (хизматдан фойдаланиш) қоидаларига риоя этилган бўлса, товарнинг (хизматнинг) сифатига нисбатан норматив ҳужжатларда назарда тутилган талаблар бажарилишини кафолатлайди ва таъминлайди.

Хизмат муддати – товардан фойдаланишнинг белгиланган муддати бўлиб, у тамом бўлгач, товарнинг техник ҳолатидан қатъи назар, ундан фойдаланиш тўхтатилиши лозим.

Яроқлилик (сақлаш) муддати – муайян давр бўлиб, бу даврда товар фойдаланишга яроқли бўлади ва у тамом бўлгач, товар одамлар ҳаёти ҳамда соғлиғи учун хавф туғдириши мумкин.

### УНУТМАНГ!

● Ҳар бир истеъмолчи маҳсулот ёки хизматни эркин танлаш, унинг хавфсиз ва сифатлилигини текшириш ва талаб этиш, ноқонуний хатти-ҳаракатлардан тегишли идораларга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

● Нотўғри реклама оқибатида сотиб олинган товар (иш, хизмат) туфайли истеъмолчига етказилган зарар ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

● Сотувчи фаолияти давомида давлат стандартлари, санитария, ветеринария қоидалари, ёнғинга қарши қоидалар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга риоя қилиши шарт.

● Тарозилар ва бошқа ўлчов приборлари сотувчи-ходимларнинг иш жойларида харидорлар товарни тортиш ва беришнинг бутун жараёнини кўрадиган қилиб ўрнатилиши керак. Тарозиларни пештахтанинг фасадига томон бурчак остида ўрнатиш, уларнинг олдини товарлар, дарпардалар, инвентарь ва бошқа нарсалар билан тўсиб қўйиш тақиқланади.

● Товарни сотишда харидорга мустақил равишда ёки сотувчи-ходимнинг ёрдамида зарур товарлар билан танишиш, тош-тарозининг тўғрилигини, унга берилган товарнинг ўлчамини текшириш имкони берилиши керак.

● Товарлар учун харидорлар билан нақд пулли ҳисоб-китоблар назорат-касса машиналари қўлланилган ҳолда амалга оширилади. Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда тўловларни қабул қилишда ҳисоб-китоб терминалининг мавжудлиги таъминланиши керак.

● Сотувчи харидорга харид билан биргаликда касса чекини, товарларнинг айрим турларини (масалан, қимматбаҳо заргарлик буюмлари) сотишда ҳақи тўланганлиги тўғрисидаги белги қўйилган товар чекини бериши шарт.

● Мавсумий товарлар учун товарнинг нуқсонлари билан боғлиқ бўлган эътирозлар билдириш муддати товар харид қилинган санадан кейин тегишли мавсум бошланган пайтдан бошлаб ҳисобланади. Ўзбекистон иқлим шароитларидан келиб чиқиб мавсумлар қуйидагича:

***қишки мавсум – 25 ноябрь – 10 март;***
***баҳорги мавсум – 11 март – 14 май;***
***ёзги мавсум – 15 май – 15 сентябрь;***
***кузги мавсум – 16 сентябрь – 24 ноябрь.***

Мазкур маълумотлар истеъмолчиларимиз учун ўз хақ-ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаб олишларида замин бўлади.

**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**
**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА суҳбатлашди.**

Бошланиши 1-бетда

---

❑ Имконият

*Юртимизда тадбиркорликни янада ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий ишлаб чиқаришни кучайтириш борасида муддатли ҳарбий хизматчиларга ҳам етарлича имтиёзлар берилмоқда.*

## «МЕН ҲАМ ТАДБИРКОР БЎЛАМАН!»

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида шу мавзуда ташкил этилган ўқув семинарда муддатли ҳарбий хизматчиларга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг самарали бизнес лойиҳаларини тузиш, кредит олиш, ҳужжатларни расмийлаштириш тартиблари бўйича ўқув машғулотлари ўтказилди.



– Семинарда берилган маълумот ва маслаҳатларни аскарлар "қулоқ қоқмай" тинглашди, – дейди "Халқ банки" Чирчиқ шаҳар филиали етакчи мутахассиси С. Йўлдошев. – Уларда тадбиркорликка қизиқиш катта экан. Мутасаддилар ҳам уларга астойдил кўмаклашишга ҳаракат қилишмоқда.

Учрашув сўнгида аскарлар белгиланган имтиҳон мезонига мувофиқ синовдан ўтказилди. Аъло баҳо олган етти нафар муддатли ҳарбий хизматчи тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ҳамда имтиёзли кредит олиш учун йўлланмани қўлга киритди.

– Семинарда тадбиркорликни қандай бошлаш ҳақида батафсил маълумот олдик, – дейди оддий аскар Дилшод Турғунов. – Айниқса, энг муҳим жараён – бизнес режа тузишни ҳам ўргандик. Очиғи, мен ҳам қизиқиб қолдим. Насиб қилса, хизматдан сўнг асаларичилик билан шуғулланмоқчиман. Тест синовларини яхши топшириб, имтиёзли кредитга йўлланма олдим. Бу, мен учун катта имконият.

**Эрали НОРБЕКОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати"**
**мухбири**

---

**Эълон**

Каримова Дилноза Джавдатовна номига 1998 йил 20 апрелда берилган Юнусобод тумани, Ҳасанбой 2, 176-уйга тегишли бўлган кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

---

## Эшитдингизми?

**Энди ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштириш учун онлайн ариза топширишингиз мумкин.**

## «ПРАВА»НИ АЛМАШТИРИШ ЯНАДА ҚУЛАЙЛАШДИ




Бу ҳақда Ички ишлар вазирлиги Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда қўшма қарор имзолаган.

Қарорда белгиланишича, 1 апрелдан бошлаб ҳайдовчилик гувоҳномаларини алмаштириш учун зарур ҳужжатларни Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали онлайн топшириш мумкин бўлади.

Ушбу хизматдан фойдаланиш учун фуқарода электрон рақамли имзо бўлиши керак. Бундай имзони эса Давлат хизматлари марказларидан олиш мумкин.

Онлайн-ариза бериш вақтида аризачининг фотосурати тизимнинг ўзи томонидан ИИВнинг маълумотлар базасидан олинади. Агар аризачи гувоҳномасида янги фотосурати бўлишини истаса, у ҳолда Давлат хизматлари марказига бориши керак.



@haqiqatonline

---

## Паррандачилик:
# ХАРАЖАТИ ОЗ – ДАРОМАДИ СОЗ

*Мутахассисларнинг таъкидлашича, инсон соғлом бўлиши учун бир йилда ўртача 10 килограмм парранда гўшти ва 100 донадан ортиқ тухум истеъмол қилиши керак экан. Чунки, улар парҳез маҳсулотлари ҳисобланиб, организм учун жуда фойдали.*





Зангиота туманидаги "Ўзбекистон" масъулияти чекланган жамиятида, асосан, гўшт учун бройлер жўжалари парваришланади. Жамиятда 30 та цех мавжуд. Барча техника ва асбоб-ускуналар хориждан келтирилган. Кенг товуқхоналарда махсус жиҳозлар ўрнатилган, барча жараёнлар тўлиқ компьютерлаштирилган: бункерли озиқа тарқатгич, вакуум суғоргич, озиқа тарқатиш йўлаги, цлиндрсимон осма охурлар ва электр брудерлар шулар жумласидан. Иш жараёни инновацион технологиялар асосида олиб борилади. Ҳар босқичда 18 минг донадан жўжа боқилади, улар 45 кунда етилади. Тайёр бўлган парранда гўштлари махсус музлаткич омборларида сақланади.

– Паррандачилик сердаромад соҳа. Шу билан бирга, ўзига хос нозик жиҳатлари бор, – дейди жамият директори Гулнора Йўлчибоева. – Улар орасида юқумли касаллик тез тарқалади. Шу боис, жўжаларни доим назорат қилиб турамиз. Касалликларнинг олдини олишда зарур препаратларни ўз вақтида бериш жуда муҳим. Парранда боқиб, даромад топаман, деган тадбиркор, албатта, тегишли қўлланмалар, илмий асосланган адабиётлар билан танишиши, мутахассислар билан маслаҳатлашиб ишлаши керак.

Корхонанинг инкубация цехида тухумлар бир нечта махсус яшикларга жойлаштирилиб, туну-кун назорат қилиб турилади. Жўжалар 21 кунда очиб чиқади. Бир ҳафталик жўжалар кунига 130 граммдан озиқа истеъмол қилади. Улар катталашгани сари график асосида озиқа миқдори ошириб борилади. Буғдой, жўхори каби дуккакли экинлар асосий озиқа манбаи ҳисобланади. Шунингдек, жўжаларга вақти-вақти билан махсус витаминлар ҳам бериб борилади.

Ҳозирда жамиятда 60 нафарга яқин ишчи меҳнат қилади. Жорий йилда фаолиятни янада кенгайтириб, иш ўрнини 100 нафарга етказиш режалаштирилган. Бу ерда ишчилар учун барча шароитлар яратилган.

Маълумки, йирик парранда корхоналари учун электр энергияси муҳим манба ҳисобланади. Мазкур корхонада ҳам 556 та қуёш батареялари жойлаштирилган. Улар энергияга бўлган эҳтиёжни тўлиқ қондирмоқда.

Корхонада фақат жўжа етиштириш билан чекланиб қолмасдан, курка парвариши ҳам йўлга қўйилган. Зотдор куркалар Канададан келтирилган. Улар бизнинг шароитда 4 ойда 25 килограммгача тош босмоқда.

Шу кунларда корхона маҳсулотлари мамлакатимизнинг барча ҳудудларига етказиб берилмоқда. Келгусида парранда гўштини экспорт қилиш ҳам режалаштирилган.

**Зуҳриддин РАҲМОНОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**
*Мансур ҲИММАТОВ*
*олган суратлар*

---



## Диққат, темир йўл:
# 174 ҲАЙДОВЧИГА чора кўрилди

*Тошкент вилояти ЙҲХБ ходимлари ҳудуддаги темир йўл кесишмаларига яқин жойлашган 18 корхона-ташкилот, 21 ўқув муассасаси ва 26 маҳаллада профилактик суҳбатлар ўтказиб, темир йўл кесишмасидан ўтиш қоидалари бўйича тушунтиришлар олиб борилди, дея хабар беради ЎзА.*

Бундан ташқари, 47 темир йўл кесишмасига 80 ЙПХ ходими бириктирилиб, темир йўл кесишмасидан электропоездларнинг ўтиш вақтида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ишлари олиб борилди.

Тадбир давомида, биргина 20 февраль кунида темир йўл кесишмасидан ўтиш қоидасини бузган 174 ҳайдовчига нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилди.

Шунингдек, темир йўл кесишмаларида хавфсизликни таъминлаш мақсадида Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси ва тегишли бошқармалар билан ҳамкорликда ишлар ташкил қилинди. Мисол учун, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ Ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бошқармаси билан ҳамкорликда видеокузатув камералари ёрдамида темир йўл кесишмаларидан ўтиш қоидаларини бузиб ҳаракатланган транспорт воситалари ҳайдовчиларига нисбатан чоралар кўрилди.

Жумладан, "Нексия" русумли давлат рақам белгиси 10 C 556 QA бўлган автомобиль ҳайдовчиси ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, ёпиқ турган шлагбаумдан қарама-қарши йўналишга чиқиб ҳаракатланган, яна бир "Матиз" русумли давлат рақам белгиси 10 C 437 QA бўлган автомобиль ҳайдовчиси кесишманинг тақиқловчи қизил чироғида ҳаракатини давом эттирган.

Ўз навбатида, маъмурий баённома расмийлаштирилган 174 нафар ҳайдовчига нисбатан МЖТКнинг 130-моддаси 1-қисмига асосан энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдорида, яъни 606 минг 190 сўм, жами 105 миллион 825 минг 60 сўм миқдорида жарима белгиланди.

---

❑ Мавзуга доир

*Темир йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида темир йўл атрофидаги маҳаллалар, касб-ҳунар коллежлари, лицей ва мактаблар, корхона ва ташкилотларда ҳудудий ИИБ ҳамда соҳа ходимлари билан ҳамкорликда учрашувлар ташкил этилмоқда.*

## ХАЛҚ МУЛКИГА ТОШ ОТМАНГ

Бекобод шаҳридаги 20-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабида ўтказилган тадбирда сўз олганлар, шунча тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилишига қарамай, фуқароларимиз томонидан темир йўл яқинида чорва молларини боқиш, вагонлар ойналарига тош отиш, темир йўлни белгиланмаган жойлардан кесиб ўтиш оқибатида ноxуш вазиятлар вужудга келаётгани ҳақида тўхталишди. Бепарволик сабабли, кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлаётгани аниқ мисоллар билан айтиб ўтилди. Вояга етмаган ёшлар вагонлар устига чиқиши оқибатида ток уриб, тан жароҳати олиб, бир умрга ногирон бўлиб қолаётгани, ҳатто ўлим билан якун топаётган ҳолатлар ҳам учраётгани ачинарли, албатта.

Тадбир якунида "Халқ мулкига тош отманг" номли фильм намойиш этилди. Шунингдек, ёш рассомларнинг мавзу юзасидан чизган ишлари кўргазмаси ҳам ўтказилди.

**Ўз мухбиримиз**

❑ Нишондорларимиз

*Чирчиқдаги 15-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабига 2002 йилда директор этиб тайинланган Нилуфар Исроилова қисқа фурсат ичида ўзини билимли, юксак ташкилотчилик қобилиятига эга талабчан раҳбар сифатида намоён этди. У раҳбарлик қилаётган мактаб ўқувчилари вилоят, республика ва халқаро миқёсда бўлиб ўтаётган фестиваль ва кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этиб келишмоқда. Хусусан, 2013-2018 йиллар давомида мактабнинг 59 нафар ўқувчиси турли мамлакатларда бўлиб ўтган халқаро танловларда лауреатлик унвонига сазовор бўлишди.*

# ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ

Н. Исроилова раҳбарлик билан бирга ўқувчиларга дутор чолғусидан сабоқ бериб келмоқда. Ундан дутор чалиш сирларини ўрганаётган Шаҳзода Саидмуҳаммадова, Мафтуна Дадажонова ва Диёра Турғунова 2011, 2014 ва 2017 йилларда бўлиб ўтган М. Қори-Ёқубов номидаги ёш ижрочилар кўрик-танловининг республика босқичида 1-ўринни олишга сазовор бўлишди. 2015 йилда Россия Федерациясининг Санкт-Петербург ва



Сочи шаҳарларида бўлиб ўтган халқаро танловда иштирок этган шогирдлари Нилуфар Мирзатолипова ва Мафтуна Дадажонова ҳам 1- ва 2-ўринларни эгаллашди.

Н. Исроилова нафақат истеъдодли мураббий, тажрибали педагог ва раҳбар, балки вилоят директорлар кенгашининг аъзоси сифатида таълим муассасаларига илғор тажрибалар ва инновацион ғояларни татбиқ этиш борасида ҳам фаол иш олиб бормоқда.

– Мақсадим ёшларимизга замонавий мусиқа асослари билан бирга бой миллий мусиқа меросимиз намуналарини ўргатиш, – дейди Нилуфар Исроилова. – 2008 йилда мактабимиз қошида "Истеъдод" ўзбек халқ чолғулари оркестрини ташкил этганмиз. Шу кунгача кўплаб кўрик-танловлар ғолиби бўлган жамоамизни шаҳар, вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган тадбирларда олқишлар билан кутиб олишларидан фахрланамиз.

Н. Исроилованинг соҳа ривожидаги меҳнатлари муносиб баҳоланиб, "Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси" фахрий унвони ва "Шуҳрат" медали билан тақдирланган.

**Юлдузхон ФАЗЛИДДИНОВА**

*Д. АҲМЕДОВ олган сурат*

# СПОРТГА ҲАМДАМ ҲАЁТ – ЁШЛАРГА БЕРГАЙ ҚАНОТ

*Ёшларни спортга қизиқтириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ўзаро спорт алоқаларини йўлга қўйиш ҳамда оммавий спортга жалб этиш мақсадида сезиларли ишлар қилинмоқда.*



Вилоят Жисмоний тарбия ва спорт университетида Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси билан ҳамкорликда мини-футбол бўйича "Иттифоқ кубоги"нинг вилоят биринчилиги ўтказилди.

Мусобақада Бўка тумани ва Чирчиқ шаҳри Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ўзаро беллашишди.

Кескин баҳс-мунозарага бой бўлган учрашувда бўкалик ёшларнинг қўли баланд келиб, 8:2 ҳисобда ғалаба қозонишди.

Энди улар 10-11 март кунлари Гулистон шаҳрида бўлиб ўтадиган вилоятлараро минтақавий босқичда Жиззах, Сирдарё ва Тошкент шаҳри ёшлари билан баҳс олиб боришади.

– Ёшларимизнинг спортга иштиёқи жуда баланд, – дейди Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши спорт бўлими мудири Ғуломжон Артиков. – Тез-тез ташкил қилинадиган бундай беллашувларда улар кўтаринки кайфият билан қатнашишади. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, айниқса, футболга қизиқишади. Кун келиб, улардан айримлари Ўзбекистон терма жамоаси сафига қабул қилинса, ажабланмайман.

Дарвоқе, ўтган йилнинг май ойида Россия Федерациясида футбол бўйича Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида юртимиз ёш футболчилари биринчи маротаба иштирок этиб, чемпионликни қўлга киритишган эди. Улар орасида вилоятимиз ёшлари ҳам борлиги қувонарли, албатта.

**Эрали НОРБЕКОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**

❑ Мулоҳаза

*Кичиклигимизда бир ўйин ўйнардик: кўзни очиб ухлаш. Туш пайтида ухлатиш учун катталар томонидан бир хонага қамалган болалар, кўзимиз ҳадеганда илинавермагач, шу ўйинни ўйнаб, зерикишдан қутулардик. Ҳаммасини кўриб турардигу, худди ухлаётгандек, жим, кўрмаганга олардик ўзимизни.*

# ЙИҒЛАБ ҚАРАБ ТУРДИМ...

Бу гаплар нима учун, дерсиз. Бугун атрофимиздаги жараёнларни, одамларни, уларнинг турмуш тарзини – ҳаёт равишини кузатар эканман, ўша "кўзни очиб ухлаш" ўйини бехосдан, бот-бот хаёлимга келаверади. У ўйин кичкиналигимда қанчалик завқ берган бўлса, ҳозирги идроким билан ҳис қилганимда, шунчалик ғамга ботиради...

Ахборот сайтларида турк актёри Бурак Ўзчивитнинг Тошкентда 2,5 соат давомида Ўзбекистондаги нуфузли ва таъсир кучига эга шахсларнинг рафиқалари, тадбиркор аёллар ва модель қизлар билан кечки зиёфат устида учрашгани ҳамда бунинг эвазига 379 минг доллар ҳақ олгани ҳақида ёзилди.

Ҳар қандай "янгилик"ни тарқатишда ижтимоий тармоқлар



хаёл тезлигига эга. Видеони кўриб, курсдош йигитларимиз ёнида қанчалик уялган бўлсам, Темурийлар тарихи давлат музейи биносининг устун, деворларидан ҳам суякларимгача умаланиб хижолат тортдим. Сиғинилишга арзийдиган зот бўлиб кўринаётган актёр (!) ортидан қизларнинг жазавага тушиб югуришаётганини кўриб, донг қотдим. Хориж актёри кўнглидан нималар ўтди экан?! "Эй, Амир Темур ва Бибихоним авлодлари, у музейга бекорга келмагандир, ахир", дегим келди.

Эркак кишининг бахти рафиқасининг яхши ёки ёмон хислатлари билан белгиланган азалдан. Юрт тараққиёти, фаровонлигининг муҳим ўзаги жамиятдаги аёллар эканлигини ҳам тарих исботлаб келади: ҳар бир буюк, комил шахс ортида беназир умр йўлдош – аёл туради.

Аммо, бояги учрашувдаги аёлларнинг "Камолбей"ни чойга таклиф қилиши (рост бўлса!) "Гладиаторлар жанги"ни ёдимга туширди. Бу ҳам, у ҳам кўнгилхушлик, завқ учун...

Қишлоғимизда бўлиб ўтган бир воқеадан қолган гапни одамлар ўрни келганда киноя билан қўллаб туришади:

Сув бизнинг гўшага охирги қулоқдан келарди. Шу сабаб, "сув талашиш" асносидаги жанжаллар кўп бўларди. Навбати келганида бошланғич синф ўқувчилари бўлган ака-ука ариққа банд бойлаб, томорқасига сув буради. Барзанги қўшниси навбатини кутмай, сувни ўзининг томорқасига "ҳайдайди". Қаршилик қилган болани эса туртиб уради... Кечқурун укаси онасига:

– Акамни фалончи амаки урди, – дейди ўпкаси тўлиб. Онаси:

– Акангни урган бўлса, сен индамай қараб турдингми?! – дейди.

– Йўқ, йиғлаб қараб турдим...

...Боя айтганим, ўша видеоларни кўриб, мен ҳам шунчаки қараб турмадим, балки йиғлаб қараб турдим... Қўлимдан бошқа нима ҳам келарди!

Миллатнинг ор-номуси, ғурури, урф-одати, қадриятлари – менталитетига зид хатти-ҳаракатни содир этганлар ҳам жазога тортилармикан?

Сиз нима дейсиз?

**Наргиза ОДИНАЕВА**

# «ТОМОРҚА» СЎЗИ – ХОНАДОН ЮЗИ

Юқори Чирчиқ туманига йўлимиз тушганида, "Чумчуқжар" маҳалласида яшовчи Зуҳра ва Баҳодир Норбоевлар хонадонига кириб ўтдик. *Бизни очиқ чеҳра билан кутиб олган хонадон бекаси Зуҳрахон мақсадимизни сезгандек, ҳовли этагидаги иссиқхонага бошлади.*

❑ Ҳар бир оила – тадбиркор



Иссиқхона бурчагида каттагина печь – ўтин ёки ғўзапоя ёқиб иситиларкан. У ердаги ажиб манзара кўзимизни қувнатди: ғарқ пишиб ётган сабзавотлар, олтиндай товланаётган лимонлар иси димоғимизга урилди. Қип-қизил помидорлар "бизни узиб олинг" деб турибди! Ана сизга "экологик тоза маҳсулот!"

– Зебо қизим, келинойингга айт, чой дамласин, – деди Зуҳрахон экинларни парваришлаётган қизига. – Бу иссиқхона оиламизнинг аҳиллигидан яралган. Унинг ҳосилидан хонадонимиз файзли, дастурхонимиз тўкин, турмушимиз фаровон. "Меҳнат қилган хор бўлмас", дейишади. Лекин, шу меҳнатлар учун имкон, шароит ҳам керак. Айниқса, "Ҳар бир оила тадбиркор" тамойили саъй-ҳаракатларимизга кўтаринкилик бағишлади. Ҳар йили шу мўъжазгина иссиқхонамиздан 5-6 миллион даромад қилаяпмиз...

Бу самимий сўзлардан биз ҳам хурсанд бўлдик.

**Сайёра ЭШМАТОВА**

*Мансур ҲИММАТОВ олган сурат*

# ЧИЗГИЛАРДА ТАБИАТ МАНЗАРАЛАРИ

*Ўзбекистон Бадиий академиясининг Икуо Хираяма Халқаро маданият карвонсаройида Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг ёш ўқитувчилари Достон Қурбонов, Зиёдулла Фармонов, Фарид Сатторов, Озод Амирқуловларнинг 90 га яқин рангтасвир ишларидан ташкил топган "Чизгиларда воҳа нафаси" номли кўргазма ташкил қилинди.*

❑ Кўргазма



Тақдим этилган ижод намуналарида Қашқадарё вилояти, шунингдек, Тошкент шаҳри ва вилоятимизнинг бетакрор табиат манзаралари, натюрмортлар орқали берилган заминимиз неъматлари, миллий қадриятлар, тарихга айланиб бораётган айрим маҳаллаларнинг кўринишлари, ҳаёт фалсафаси, йил фасллари, кеча ва кундузнинг турли дақиқалари, турмуш тарзимиздан лавҳалар акс этган.

Экспозициядан ўрин олган "Гиламдўзлар", "Келинликка ҳавас", "Доирачилар", "Қиш нафаси", "Эрта ёққан қор", "Болалик оқшоми", "Ёшлик завқи", "Бувим портрети", "Ҳовлида куз", "Қуёш ботиши", "Қиш чилласи", "Меҳмонга", шунингдек, Тошкент вилоятига бағишланган "Ғазалкент", "Чирчиқ дарёси", "Оқшом. Тошкент атрофи", "Булутли кун. Майдонтол", "Тириклик. Майдонтол" ва бошқа қатор ижод намуналари санъат мухлисларини бефарқ қолдирмайди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

❑ Дарвоқе

# УСТОЗ, СИЗНИ ЁДГА ОЛГАНДА...



Келинини ишдан хуноб бўлиб келганини кўрган Зубайда ая унга сўз қотди:

– Ҳа, Робияхон, кайфиятингиз йўқ, тинчликми ўзи?

– Кўрмайсизми, ойижон? Ҳозирги ота-оналарга ҳам ҳайронман. Фарзандларининг ёнини олишгани-олишган. Бир гап бўлса мактабни, биз – ўқитувчиларни айблашади. Нариги кўчадаги Шуҳрат қассобнинг ўғлини койиган эдим, онаси мактабга айюҳаннос солиб келибди. Гўёки, унинг зумрашаси оппоғу, биз ёмон...

– Ҳай, ҳай, ундай деманг. Бировнинг гулдай боласини зумраша дегандан кўра, уни тўғри йўлга солишга ҳаракат қилинг. Бу – сизнинг вазифангиз, жон болам. Ахир, ўқитувчи бўлишни ўзингиз хоҳлагансиз-ку!

Зубайда ая 40 йил ўқитувчи бўлиб ишлагани учун ҳам бу касбнинг қанчалик оғир ва масъулиятли эканини яхши билади. Бола тарбияси ниҳоятда нозик масала бўлганлиги боис, ёш ўқитувчиларга қўлидан келганча маслаҳатлар бериб, ёшларни тўғри йўлга солишга ҳаракат қилади.

Тўғри, бугунги куннинг талаби ўзгача. Глобаллашув даврида ўқитувчи ўз устида қанча кўп ишласа, шунча яхши. Педагог кадрларнинг салоҳияти юксак, тафаккури кенг, билими кучли бўлса, у ота-оналар ва ўқувчилар эътиборидан четда қолмайди. Таълим-тарбия жараёнида болага дўстона муносабатда бўлиш алоҳида аҳамият касб этади. Ўқув самарадорлиги, ўқувчиларнинг билим олишга бўлган иштиёқи ортади.

Аслида болага дўстона муносабатда бўлиш тушунчаси бизнинг менталитетимиз учун янгилик эмас. Азалдан ўзбек фарзандлари кўп болали оилада туғилиб вояга етсаларда, бирортаси эътибордан четда қолмаган. Шўхлик қилиб бобо-ю, бувиларидан дакки эшитишган бўлса ҳам, кексаларнинг танбеҳида эркалаш оҳангини туюшган. "Уйингга буғдой тўлгур", "Бўйинг чўзилгур", "Омон бўлгур", деган койишлар болага бўлган кучли меҳр, дўстона муносабат қирралари эмасми?

"Сендан яхшилик чиқмайди", "Одам бўлмайсан", "Девордан садо чиқади-ю, сен каллаварамдан сас чиқмайди", деган ҳақоратомуз гаплар бола қалбини синдиради, ўзига бўлган ишончни сўндиради, ғururини топтайди. Бола яқинларидан, айниқса, ўқитувчисидан бундай ҳақоратли гапни ҳаётида ақалли бир мартагина эшитган бўлса ҳам, унинг жаранги мурғак қалб эгасининг қулоқларида бир умр сақланиб қолади.

Ёмон ўқувчи бўлмайди. Бироқ, ўқувчилари "ёмон" деб ташхис қўйган ўқитувчи ҳақиқатан ҳам "дардманд". У меҳрдан, илиқ муомаладан йироқ. Шунинг учун у меҳр тафти билан бола қалбини исита олмайди, ширин сўзи билан эритолмайди.

– Ўқувчилик давримда ҳамма нарсага қизиқардим. Тан оламан, жуда шўх ва тўполончи бола эдим. Ёш эканманда, шеър ёзишни машқ қилиб, бу ишга муккадан кетдим. Лекин кутилмаганда, шеърий машқларимни адабиёт ўқитувчимиз қўлимдан тортиб олиб, бутун синфга ўқиб бердилар. "Ҳамма шоирлардан ортиб, шеър ёзиш сенга қолибдида. Овора бўлма, сендан шоир чиқмайди", – деб устимдан кулганлар, дея хотирлайди Нормурод ака. – Ҳозир ёшим 70 дан ошди. Лекин, ўша ўқитувчининг гапини ҳеч унутолмайман. Айнан, шу воқеа сабабли бошқа ҳеч шеър ёзмадим.

– Расуловлардан ҳеч қачон яхши ўқийдиган бола чиқмаганди. Уч аканг ҳам машҳур "иккичи"лар бўлишган. Нечук, кесакдан ўт чиқиб, сен тузукроқ ўқийдиган бўлиб қолибсан?!

Розия ўқитувчисидан бу гапни эшитганига 10 йилдан ошди. Аммо, ҳамон ёдига тушса, бутун вужуди титраб кетади. Ўшанда ўқитувчисининг наштардек гапи ёш қалбини тирнаб ўтган, яхши ўқигани учун рағбат эмас, ҳақорат эшитгани роса алам қилган эди. Орадан йиллар ўтиб, Розия яхши шифокор бўлиб етишди. Тақдирнинг ишини қарангки, ҳатто, ўша Мўътабар опани даволади ҳам. "Сен болалигингда жуда тиришқоқ ўқувчи эдинг. Яхши шифокор бўлишингга ишонардим", – деди Мўътабар опа касалхонадан чиқаётганида. Аммо, Розия бу гапга ишонмади.

*Ҳа, ҳаёт – буюк дарсхона. Ҳар бир инсон унда ўз ўрнини топади, синовларда тобланади, хулоса чиқаради. Устозлар сабоғи эса ўқувчиларнинг тетапоя қилишида таянч бўлиши керак. Токи, ўқувчилар устозларини ширин хотиралар билан ёдга олишсин.*

**Аллома АЗИЗОВА**

Эълон




ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Электрон почталар: thaqiqat@umail.uz th-tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-64-95, 71 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: 71 233-70-10
Масъул котиб: 71 233-55-38
Бўлим муҳаррирлари 71 233-38-23, 71 233-48-08
Шартнома ва эълонлар: 71 233-65-59
Ҳисоб-китоб бўлими: 71 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусаҳҳиҳ Аллома АЗИЗОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Манзилимиз: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32. Буюртма V-3159. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. 9 199 нусхада чоп этилди ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 22.00.